*Илм — ўзни билмакдир*

# МАЪРИФАТ

MARIFAT и معرفت

*Халқ зиёлилари газетаси* 1931 йилдан чиқа бошлаган **1994 йил 14 декабрь, чоршанба**

**Баҳоси сотувда эркин нархда.**
**56 (6644)**

# БАРҚАРОР ТИНЧЛИК ВА ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ БУДАПЕШТДА БЎЛИБ ЎТГАН КОНФЕРЕНЦИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ**



Муҳтарама раис!
Хонимлар ва жаноблар!

Ўтган давр мобайнида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши тузилмаларидаги ҳамкорлигимизни танқидий кўз билан таҳлил қилар эканмиз, биз мазкур кенгашнинг мақсад ва дастурий вазифалари Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келишига яна бир бор амин бўламиз.

ЕХҲК доирасидаги кўп томонлама мулоқотлар биз янги мустақил давлатлар учун демократик янгиланиш ва эркин бозор иқтисодиёти қурилишининг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар қўлга киритган мислсиз тажрибадан баҳраманд бўлишда кенг имкониятлар очади.

Ҳозирги замон шароитида ЕХҲК ўрнини босадиган бирон-бир ташкилот йўқ. Бошқа минтақаларда ЕХҲК сингари тузилмалар барпо этиш лозимлиги хусусида пайдо бўлаётган турли-туман фикрлар ҳамда бундай тузилмалар тузишга уринишларни **биз ноконструктив деб ҳисоблаймиз. Чунки мубҳам, аниқ қиёфага эга бўлмаган бундай лойиҳалар, мулойим қилиб айтганда, Умумевропа ҳамкорлиги борасида вужудга келаётган ижобий жараёнлар ҳамда бу жараёнларга бошқа минтақаларни ҳам тортишига кўмаклашмайди.**

**ЕХҲК демократияни мустаҳкамлаш ва давлатлар ўртасида ишонч чоралари масалаларида шундай универсал тамойил ва йўналишларни** ишлаб чиқиб, ўз фаолиятида фойдаланмоқдаки, бугунги кунда бутун-бутун минтақалар бу тамойил ва йўналишларга амал қилишдан манфаатдордир.

Мисол учун, бугунги кунда минг йилликлар давомида шаклланган тарихий, иқтисодий, маънавий тараққиёт борасида бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган юздан ортиқ турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган Марказий Осиё минтақасини олиб кўрайлик.

Табиийки, бундай ноёб шароитда бу минтақадаги давлатларда янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришда **барқарорлик, тинчлик, бу ерда истиқомат қилаётган кишилар ўртасидаги миллатлараро ва фуқаролик тотувлиги энг муҳим кафолат ва мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.**

Бироқ айни пайтда биз Марказий Осиёнинг улкан табиий-хомашё, стратегик ва жуғрофий-сиёсий геополитик салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, **унинг таъсир доираси ва кучлар мутаносиблигини сақлаб қолиш ҳамда тақсимлаш учун ўзаро кураш майдонига, Европа мамлакатларига ҳам хавф туғдирадиган, наркобизнес ва қурол савдоси кенг тарқалаётган минтақага айланиб бораётганини ҳам кўрмаслигимиз мумкин эмас.**

Вужудга келган бу мураккаб шароитда бизнинг мустақиллигимизни ҳамда янгидан ташкил топган давлатлар суверенитетини мустаҳкамлаш саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашда, ўтмишни соғиниш хусусида тобора кучайиб бораётган майлларнинг олдини олишда, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг мустаҳкамланишида ЕХҲК ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Афғонистонда давом этаётган фуқаролар уруши, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги кескин вазият ва Тожикистоннинг ўзидаги нотинчликни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳудудимизга экстремизм ва ақидапарастликнинг бостириб кириш хавфига йўл қўймаслик биз учун ҳаётий аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда Ўзбекистон **жамиятни қайта қуриш, кишиларнинг сиёсий ва миллий онги,** янги демократик қадриятлар тикланиши ва мустаҳкамланиши сингари қийин, бироқ табиий жараённи бошдан кечирмоқда. Мамлакатда очиқ демократик давлат қуриш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни изчиллик билан бормоқда.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган уч йил биз танлаган йўл тўғри эканини кўрсатди. Биз ўтказаётган ислоҳотларнинг моҳияти, энг аввало, иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, унинг сиёсатдан устунлиги, бизнинг шароитимизда "фалаж қилиб даволаш" деб аталмиш усулни қўллаб бўлмаслиги, энг муҳими, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ўтказилаётган ислоҳотларнинг изчиллиги ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Демократия ва бозор ислоҳоти йўлидан муваффақият билан юриш учун минтақанинг ўзига хос хусусияти, яъни, айтган бўлардимки, маданий-тарихий заминини, шунингдек, халқимизнинг руҳиятини яхши билиш ва ҳисобга олиш талаб қилинади.

Биз кишилар тафаккурини ва уларнинг хусусий мулк ҳамда демократик қадриятларга муносабатини тубдан ўзгартирмай туриб, ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлаб бўлмаслигини яхши биламиз. Бу ўринда ўн йилликлар давомида ҳукм сурган тоталитар тузум даврида бир неча авлод бу қадриятларга мутлақ беписандлик руҳида тарбияланганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Биз ЕХҲКнинг минтақамиздаги аҳамияти ва нуфузининг янада мустаҳкамланиши, "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурида фаол иштирок этиш ҳодисалар номақбул йўналишининг олдини олиш ҳамда тикланиш жараёнларини демократик ислоҳотларнинг амалий ўзани сари йўналтириш учун зарур имконият яратишига аминмиз.

Энди ЕХҲКдек ноёб анжуман фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир нечта мулоҳазамни баён этмоқчиман.

Совуқ уруш тамом бўлгани ва СССР тарқаб кетганидан кейин халқаро майдонда давлатларнинг янги тури — **иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатлар пайдо бўлганини эътироф этиш лозим.**

Шу муносабат билан, назаримизда, ЕХҲК, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий дастурларида мазкур мамлакатлар иқтисодини жаҳон иқтисодиёти билан мувофиқлаштириш масаласига кўпроқ аҳамият берилиши зарур. Бу мамлакатларга нисбатан ёндошувларда ва уларга берилган баҳоларда гоҳо кўзга ташланиб қоладиган **кескинликни юзага келтирувчи фикрлаш асоратидан бутунлай воз кечиш керак.**

Яна бир мулоҳаза. Равшанки, ЕХҲКга фақат Европа мамлакатларигина аъзо эмаслигини унутмаслигимиз лозим. Бироқ бугун мунозаралар асосан Европадаги вазият ҳақида бўлаётганини таассуф билан таъкидлашга тўғри келади. Мен бу фикрни бугунги Европанинг хавфсизлиги фақат Европадаги осойишталикгагина эмас, балки унинг атрофидаги минтақалар барқарорлигига ҳам боғлиқлигини аниқ англаётганим учун таъкидлаяпман.

ЕХҲК фаолиятида минтақавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш масалалари тобора кўпроқ ўрин эгалламоғи лозим. Тарих тақозоси билан ёнма-ён яшашга маҳкум бўлган давлатлар ва миллатлар ўртасидаги ҳамкорлик улар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашнинг, ҳозирги замонда тобора авж олиб кетаётган миллатлараро ва минтақавий курашлар ва урушлар хавфини бартараф этишнинг энг муҳим омил ва воситасидир.

Собиқ СССР ҳудудидаги минтақавий ва миллатлараро қарама-қаршиликлар олови алангаланишининг асосий сабабларидан бири ўтмишнинг оғир асоратларидан ташқари, **бугунги кунда жуда кўп йўқотишларга мубтало бўлган кишиларнинг тенгсизлиги ва оғир моддий аҳволи эканини ҳам ҳисобга олиш муҳимдир.**

Бугун ЕХҲК эътиборини яна бир бор Тожикистондаги аҳволга қаратмоқчи эдим. Салмоқли халқаро инсонпарварлик ёрдамисиз бу мамлакатнинг беш миллионли аҳолиси қишдан чиқиши қийин.

Биз ЕХҲКнинг бугунги кунда қон тўкилаётган минтақаларда тинчлик ўрнатишдаги етакчи ўрнини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз. Гап ЕХҲКнинг тинчликпарварлик вазифасини амалга оширишдаги халқаро меъёрларга мувофиқ тарзда можароларнинг олдини олиш ва уларни бошқаришдаги аҳамиятини кучайтириш, шу мақсадларда ЕХҲК доирасида зарур тузилмалар барпо этиш лозимлиги ҳақида бормоқда.

Бизнингча, можаролар бўлаётган жойлардаги барча тинчликпарварлик ишлари фақатгина ЕХҲК мандати бўйича амалга оширилмоғи керак.

Назаримизда, **давлатларнинг умумий қирғин қуролларини тарқатмаслик ва, айтган бўлардимки, бу қуролларнинг сайёрамиз бўйлаб ёйилишига йўл қўймаслик юзасидан олган мажбуриятларига** қатъий риоя этишларига эътиборни кучайтириш зарур.

**Биз учинчи мамлакатларга замонавий қурол сотишда янада қаттиқроқ меъёрлар ўрнатилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.**

Ҳозирги пайтда ҳаётнинг ўзи қарор чиқарувчи ташкилотлар, шунингдек, ижроия органлари, хусусан ЕХҲК Бош котиби нуфузини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда айрим минтақаларда алоҳида кескинлик касб этаётган камсонли миллатлар масаласи ҳақида бир-икки оғиз гап. Бизнинг Конституциямиз, қонунчилигимиз ва кундалик ҳаётимиз миллати ва динидан қатъи назар Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча кишиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги учун зарур шароит яратиб берган.

Биз бундай сиёсатнинг тўғрилиги ва ҳаётийлигини Европа давлатлари мисолида кўриб турибмиз ҳамда худди шундай ёндашувни амалга оширишни олдимизда турган муҳим вазифалардан деб биламиз.

Биз қўш фуқароликни тақозо этадиган турли-туман таклифларни қабул қилолмаймиз, чунки қўш фуқаролик аҳолининг маълум қисмига устунлик бериб, мамлакатдаги ички барқарорлик ва тотувлик мувозанатини издан чиқариши, номақбул оқибатларга олиб келиши мумкин.

Айтмоқчи бўлган сўнгги мулоҳазам шундан иборатки, ЕХҲК экология муаммоларига эътиборни кучайтириши зарур, деб ҳисоблайман. Бу муаммолар ҳозирги замонда айрим миллатлар муаммосигина бўлиб қолгани йўқ. Орол денгизи фожиаси барчага маълум. Бу фожиа инсонлар соғлиғига таъсир кўрсатмоқда, бундан ташқари номақбул ирсий ўзгаришларга олиб келмоқда. Бу ҳодиса минтақавий доирадан чиқиб, умумзамин муаммосига айланганига анча бўлди. У бугунги кунда **бутун Евроосиё минтақасидаги муҳит мувозанатини жиддий тарзда бузмоқда.**

Мен яна бир карра жаҳон ҳамжамиятини ЕХҲК сингари нуфузли ташкилот раҳбарлигида Орол муаммоси билан амалий равишда шуғулланишга, табиат ва бутун-бутун авлодлар саломатлигини сақлаб қолишга даъват этаман.

Бўсағада турганимиз, янги минг йилликни инсоният қандай кутиб олиши ҳар бир халқ, ҳар бир мамлакат ҳамда бутун ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатига бевосита боғлиқдир. Мана шу буюк вазифаларга муносиб бўлайлик.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Мактаб ва оталиқ ташкилоти*

# МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

Илгари туман халқ таълими бўлими мудири бўлиб ишлаганимданми, мактаб ва боғчалар ҳаёти, ёшларнинг турмуши, меҳнати ва уй-орзулари юрагимга яқин. Ёшларга ғамхўрлик жамоа хўжалигимиз раҳбариятининг назаридан четда қолмаяпти.

Даромадга яраша буромад, деган гап бор. Хўжалигимизнинг айрим иқтисодий кўрсаткичлари хусусида икки оғиз тўхталиб ўтсам дейман.

Ўтган йили даромадимиз чакки бўлмади. 4 минг гектар ерга шоли экиб, 17 минг тонна ҳосил етиштиргандик. Шундан 12600 тоннаси сотилиб, 855 миллион сўм-купон соф фойда олгандик. 725 гектар ерга кузги буғдой экиб, гектаридан 28 центнердан дон олишга муваффақ бўлдик. Баҳорги буғдойдан эса 16 центнердан ҳосил олдик. Ўтган йили 220 тонна уруғлик буғдой дони етиштирдик. Жами буғдой ҳосили 400 тонна бўлди.

Биз бу йил ҳам барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириб, Қорақалпоғистон Республикасида биринчилардан бўлиб давлатга дон сотиш режасини ошиғи билан адо этдик. Иқтисодимиз йилдан-йилга юксалиб бораётганлиги маданий-маиший ишларга, мактаб-маорифга тегишли маблағ ажратишимизга имкон бераяпти. Жамоа хўжалигимизда 2 та мактаб ва 3 та болалар боғчаси бор (боғчанинг биттаси туман халқ таълими бўлимига қарашли).

Ўтган йили 2 та мактабнинг таъмирлаш ишлари учун 4 миллион сўм-купон ажратган эдик. Болалар боғчаси омборхонасини қуришга 18 миллион сўм-купон сарфладик. Боғча учун қўшимча бино қуриб бердик. "Наврўз" байрамида ўқувчиларга совға тайёрлаш учун 1 миллион сўм-купон харажат қилинди. Бундан ташқари ўрта мактабни аъло битирганлар ва илғор ўқитувчиларни мукофотлаш учун ҳам маблағ ажратдик. Жамоа жўжалигимизда ёшларнинг барчаси иш билан таъминланган.

Ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг муҳим қирраларидан биридир. Жамоа хўжалигимиз бу борада ҳам четда тургани йўқ. Йил охирида зиёкорларга арзон нархда шоли, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотамиз, ўқитувчиларга моддий ёрдам берамиз.

"Устоз отангдан улуғ" деган нақл бор халқимизда. Уларнинг ҳурматини бажо келтириш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Яқинда олий тоифали ўқитувчи Қодирхон Абдировнинг 60 йиллик юбилейини жамоа хўжалигимиз клубида ўтказдик. Бошқармамиз қарори билан юбилярга битта сигир совға қилдик. Туман ҳокимлиги эса устозни 2 та гилам билан тақдирлади.

Мактабларга бориб, ўқитувчилар билан суҳбатлашиб туриш, уларнинг дарду ташвишлари, қувончларига шерик бўлиш савобли иш. Қадриятларимиз қарор топаётган бир даврда ёшлар тарбиясига ғамхўрликни кучайтиришни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз.

**Генжебой ТАЖЕМЕТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси Қонли-кўл туманидаги "Олтинкўл" жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.**

*Обуна—94*

# ГАЗЕТХОНГА БЕШ САВОЛ

**1. Газетамизга обуна бўлганмисиз, уни мунтазам ўқиб борасизми?**

**2. "Маърифат"да ёритилган қандай материаллар сизга маъқул бўлди, келгуси йилда газетада кўпроқ қандай мавзуларда материаллар ўқишни истайсиз?**

**3. Газетамизда ёритилган расмий материаллар — раҳбарлик идораларининг таълим-тарбияга оид муҳим ҳужжатлари ва уларнинг тафсилотлари, ўқув режалари, дастурлари, тавсиялар, концепциялар ва бошқалар фаолиятингизда қандай ёрдам берди?**

**4. Саҳифаларимизда халқ таълими тизимидаги қандай янгиликлар, мактаб педагогларининг қандай илғор тажрибалари тўғрисида батафсил ёритилган материалларни ўқишни истайсиз?**

**5. "Маърифат" мундарижасини янада бойитиш, унинг материаллари таъсирчанлигини ошириш, газета саҳифаларини ўқувчига кўринишли қилиб чиқариш юзасидан танқид, таклиф ва истакларингиз?**

## ЭЗГУ ИСТАКЛАРИМ

**1. Севимли газетанинг қирқ йиллик мухлисиман. Шунинг учун ҳам қадрдон ҳамроҳим "Маърифат"га бу йил ҳам биринчилар қатори обуна бўлдим.**

**2. Газетада машъал ўқитувчиларнинг иш тажрибалари, таълим ва тарбияга оид янгиликлар, Шарқ педагогикасига доир туркум мақолалар, "Одобнома", "Олтин сандиқ" рукнлари остида берилаётган мазмундор материаллар бизга маъқул ва манзур бўлмоқда.**

**Шунингдек, "Менинг тажрибам", "Илғорлар иш тажрибасидан" рукнлари остида новатор ўқитувчилар иш тажрибалари бериб борилса, айни муддао бўларди.**

**3. "Маърифат"да ёритилаётган расмий материаллар — раҳбарлик идораларининг таълим-тарбияга оид ва ота-оналарга тавсиялар, ўқув режалари, дастурлар, тавсиялар, тарихий ҳужжатлар, таҳририятнинг тажрибали ходимлари чиқишларидан иш жараёнимизда ўрни билан фойдаланмоқдамиз.**

**4. "Маърифат" ўз номи билан халққа илм, маърифат тарқатувчи билим ўчоғидир. Шунинг учун мен, севимли газетада Шарқ педагогикасига доир материаллар, буюк алломалар ҳаёти ва ижодига оид ўқимишли мақолалар ёритилишини, шунингдек, 9,11-синфлар учун "Ўзбек адабиёти" дарслиги юзасидан илғор ўқитувчилар, олимларнинг чиқишлари уюштирилишини истардим.**

**5. "Маърифат", менимча, нашрлар ичида халққа зиё тарқатишда, айниқса, ёш авлодга таълим-тарбия беришда энг нуфузли газеталардан бири. "Маърифат"нинг зиёлилар ўртасида обрў-эътиборини яна ҳам ошириш учун унинг мундарижасини янада бойитиш, муаллифлар доирасини кенгайтириш керак. Ижодкор ўқитувчиларнинг қаламига мансуб асарлар ҳам тез-тез ёритиб борилса, яхши бўлади, деб ўйлайман.**

**Қидирбой ТЎЛИБОЕВ,**
**230-мактабнинг олий тоифали тил ва адабиёт ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси.**

# МИЛЛИЙ ҚОМУСИМИЗГА БАҒИШЛАНДИ

Халқ таълими вазирлиги республика таълим услубиёти марказида Конституция байрамига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни фахрий педагоглар кенгашининг раиси Шораҳим Гадойбоев очиб, бу куннинг халқимиз учун нақадар буюк ва қадрли байрам эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, йиғилишда Ўқитувчилар уйининг директори, тарих фанлари доктори Қодирхўжа Фозилхўжаев "Мустақил қомусимиз — келажагимиз пойдевори" мавзусида қизиқарли маъруза қилди.

Анжуман қатнашчилари миллий қомусимизнинг тарихи, унинг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги маърузаларни зўр қизиқиш билан тинглашди.

**Ф. ТОЛИБОВ.**

# ҲАМИША ИНТИҚ КУТАМИЗ

"Маърифат" газетаси — биз маорифчиларнинг яқин кўмакдоши, маслаҳатчи, таянчимиздир. Унинг ҳар бир сонини интиқиб кутамиз ва севиб ўқиймиз. Шу боис мактабимиз педагогик жамоаси "Маърифат"га фаоллик билан обуна бўлишяпти.

Албатта, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида нашр ишлари ҳам қимматлашиб бораётганлигидан, газеталарнинг обуна нархлари анча юқорилаб кетганлигидан тўғри хулоса чиқариб олишимиз керак. Ҳар қандай шароитда ҳам маърифатчи муаллимлар "Маърифат"дан ажралмайдилар. Ҳаётимизни "Маърифат" сиз тасаввур этолмаймиз.

Яқинда мактабимиз педагогик жамоасининг обунага бағишланган йиғилишини ўтказдик. Унда йиғилганлар якдиллик билан шу фикрларни баён қилдилар.

— Газетани 50 йилдан буён ўқиб келаман, бундан кейин ҳам "Маърифат"га ёзилиб, ундан баҳраманд бўлавераман, — деди кекса педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Зоя опа Ҳакимова. Илғор ўқитувчиларимиздан Р. Қодирова, Г. Шарипова, М. Одамова, Т. Ризаева, Д. Ҳакимова, Г. Мадраҳимовалар ҳам газетага Зоя опадек ҳаммадан илгари обуна бўлишганди. "Ҳар бир зиёкор — "Маърифат"га мададкор!" деган шиор бутун республика мактабларида амалга ошишини жуда-жуда истардим. Бутун жамоамиз билан "Маърифат"га 1995 йил учун тўлиқ обуна бўлдик.

**Сафаргул ОЛИМОВА,**
**Урганч туманидаги Низомий номли 1-мактаб директори.**

# МАРКАЗ САХОВАТИ

**Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг Жиззах вилояти бўлими зиёлиларнинг 20 нафарини "Маърифат" газетасига, 20 нафарини "Тафаккур" журналига ўз ҳисобидан обуна қилди. Бу саховатдан баҳраманд бўлган инсонлар эзгу ниятлар билан ташкил этилган мазкур марказнинг тобора халқ ичига кириб бораётганлигини мамнуният билан гапиришмоқда.**

**Р. ЮНУСОВ.**

## МАЪРИФАТЛИ "МАЪРИФАТ"ЛИКЛАР

Қарши туманидаги "Маърифат" ўрта мактабида 100 дан ортиқ ўқитувчи бор. Уларнинг 65 нафари келгуси йил учун "Маърифат" газетасига обуна бўлишди. Қолган ўқитувчилар эса "Халқ таълими", "Бошланғич таълим", "Ёш куч" ва бошқа нашрларга ёзилдилар.

**Б. УМИРОВ.**

## 25 декабрь — Сайловлар куни

# АГАР МЕН ДЕПУТАТ БЎЛИБ ҚОЛСАМ...



**Азизбек АБДУРАҲМОНОВ,**
**31-Мустақиллик сайлов округи.**

Инсоннинг кимлигини, унинг қандай ишларга қодирлиги, қандай фазилатларга, ижобий хислатларга эгалигини бир қарашдаёқ билиб олиш мумкин. Азизбек Абдураҳмоновнинг заҳматкаш, фидойи киши эканлигини ҳатто суратидан ҳам билиб олиш қийин эмас.

Дастлабки меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган Азизбек Абдураҳмонов бутун кучини, қобилиятини халқ таълими соҳасининг ривожи учун сарф қилиб келмоқда, десак муболага бўлмайди. У кишининг таржимаи ҳолига назар ташлаган одам математика ўқитувчиси, директор ўринбосари, ўрта мактаб директори деган ёзувларга кўзи тушади. Дарҳақиқат, меҳнат фаолияти давомида бир неча йиллар Андижон шаҳар партия қўмитасида йўриқчи, Олтинкўл тумани партия қўмитасида бўлим мудири вазифаларида ҳам хизмат қилганлигини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. 1987 йилдан то ҳозирги кунгача Андижон шаҳар халқ таълими бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатиб келаётир. Халқ маорифи аълочиси. Ўзбекистон Республикаси Халқ демократик партияси аъзоси.

Агар эътибор берган бўлсангиз, ҳар бир инсон ҳаётга ўз касби нуқтаи назаридан ёндашади. Шу маънода Азизбек Абдураҳмонов ўз сайлов дастурларидан мактаб-маориф ривожига асосий ўрин берган.

— Дарҳақиқат, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини янада юксалтириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, бунинг учун, энг аввало, таълим-тарбияга эътиборни кучайтириш лозим деб ҳисоблайман. Тарбияни яхшилашнинг миллий анъаналарини ҳаётга татбиқ этиш ўчун курашаман. Аёлларимизга бола тарбияси билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш лозим деб ўйлайман.

Дарвоқе, Азизбек Абдураҳмоновнинг сайлов дастурларида, миллат келажаги бўлган ёш авлод таълим-тарбияси, юрт фаровонлиги асосий ўринни эгаллаган. Ҳа, бу юмушлар эзгу юмушлар. Эзгуликка хизмат қилишни бурч деб билган бу фидойи инсонга омад тилаб қоламиз.

# БОЛАЖОН АЁЛ



**Ольга ХАРАСОВА,**
**185-Қиргули сайлов округи.**

Ольга Анатольевна Харасова 1955 йилда Олтой ўлкасининг Благовешенск туманида ишчи оиласида туғилган. Рус. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини битирган. Республика халқ таълими аълочиси.

У меҳнат фаолиятини Гулистон шаҳридаги болалар боғчасида тарбиячиликдан бошлади. Кейинроқ Фарғона вилоятининг Қиргули тумани халқ таълими бўлими услубчиси бўлиб ишлади. Ҳозирги пайтда эса мазкур бўлим йўриқчиси лавозимида меҳнат қилмоқда.

О. Харасова болалар келажаги ҳақида кўп қайғуради. Уларнинг жисмонан бақувват, маънавий етук бўлиб камолга етишишлари учун жон куйдиради. Шу сабабли кўп вақтини мусиқа машғулотлари, семинарлар, ижодий гуруҳлар фаолиятини такомиллаштиришга сарфлайди. Турли кўриклар, мусобақалар ташкил этишга бош-қош бўлади. Ота-оналар назоратидан четда қолган болалар билан алоҳида шуғулланади. Унинг талабчан ва меҳрибонлиги, ёш авлодга бўлган меҳр-муҳаббати ўз самарасини бераётир. Ота-оналар, ўқитувчилар, маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари тарбия соҳасида ижобий натижаларни бермоқда. У ўз тажрибаларини ҳамкасблари билан баҳам кўради. Изланувчан ва камтар. Шаҳар жамоат ва бошланғич партия ташкилотлари ишида фаол қатнашади. Туман халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси раиси сифатида ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишларига катта эътибор бераётир. О. Харасова туман ҳокимлигининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси аъзоси. Ҳалол ва ташкилотчи.

Оилали. Икки нафар фарзанди бор.

# ОЛИЙ МАҚСАД ЙЎЛИДА



**Имомназар ХОЛИҚНАЗАРОВ,**
**202-Учкўприк сайлов округи. Учкўприк туманидаги 20-ўрта мактаб директори:**

— 25 декабрда кўппартиявийлик асосида ўтадиган сайлов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эвазига вужудга келган биринчи сайловдир. Бу сайловда кўп овоз олиб сайланадиган депутат Ватан, эл-юрт манфаати учун кураша оладиган фидойи киши бўлиши керак, деб ўйлайман. Мени Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатган ўзим аъзо бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг — "Мақсади озод ва обод Ватан, тинч ва фаровон ҳаёт" сайловолди сиёсий дастурини депутатлик фаолиятимда татбиқ этаман.

Халқ фаровонлиги йўлидаги иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун курашаман. Мулкни аксарият қисмини давлат тасарруфидан чиқариш, уни хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш, озиқ-овқат, халқ истеъмоли моллари, дори-дармонларни кўпайтириш соҳасидаги, халқ ҳунармандчилигининг анъанавий турларини тиклаш ва ривожлантириш, оилавий ишбилармонликни қўллаб-қўвватлашга оид масалаларда астойдил ҳаракат қиламан.

Маънавият ва маърифатни юксак даражага кўтариш, зиёлиларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, мактабларимизда ёшларга таълим-тарбия бериш самарадорлигини яхшилаш, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг кўпчилигини боғчага тортиш, ўғил-қизларимизни меҳнатсевар, ишбилармон, уддабурон, инсонпарвар ва ватанпарвар этиб тарбиялашга бутун куч-қувватимни, билимимни сарфлайман.

Мактаб ва маориф, соғлиқни сақлаш ривожи ҳозирги пайтда умумдавлат миқёсидаги долзарб масаладир. Кейинги йилларда бу борада катта-катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Лекин таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қатор муаммолар, ўз ечимини кутаётган талайгина масалалар ҳам бор. Уларни бартараф этиш менинг асосий вазифаларимдан бири деб ҳисоблайман.

# МЕҲРИ ДАРЁ МУАЛЛИМА



**Зевар ҲАСАНОВА,**
**107-Сўғдиёна сайлов округи. Самарқанд шаҳридаги 14-мактаб директори. Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидан номзоди кўрсатилган.**

Зевар опа ўз мактаби, таълим-тарбия ишлари ҳақида завқланиб сўзлар экан, унинг гапларидан ҳамсуҳбатимнинг ҳақиқий маориф жонкуяри, келажак учун жавобгарлик масъулиятини чин дилдан ҳис этаётган бугунги кун ўқитувчиси эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Ўзи раҳбарлик қилаётган илм масканини шаҳардаги намунали мактаблардан бирига айлантириш учун елиб-югуриш баробарида вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтидаги услубчилик фаолияти Зевар Ҳасанованинг фидойилигидан дарак бериб турибди.

— Ҳозирда республикамизда кенг миқёсда "Соғлом авлод учун" ҳаракати давом этмоқда, — деди З. Ҳасанова. — Боланинг жисмонан саломатлигини таъминлаш биринчи даражали вазифа бўлса, уни маънан соғломлаштириш, яъни камолот чўққиси сари етаклаш биз, маорифчиларнинг зиммасида. Мен, аввало, шундай комил инсонлар яратувчиси бўлган ўқитувчиларни ҳар томонлама ҳимоя этишни, уларнинг иссиқ-совуғидан бохабар бўлишни ўзимнинг доимий юмушим деб биламан. Негаки, жамоада соғлом муҳитни юзага келтириш, бирини ука, сингил, иккинчисини ака, опа деб кўнглига йўл топа билиш раҳбар учун зарур бўлган биринчи хусусият. Шундагина қилаётган ишимиз бир маромда кетади, кўзлаётган мақсадимизга эришамиз.

Мени ташвишга соладиган яна бир нарса, бу мактаб билан оила ҳамкорлигини имкон қадар мустаҳкамлаш. Ота-онани ўз фарзанди одоби, билими ҳақида хабардор қилиш, улар эътиборини мактабга қаратиш маълум даражада бизнинг ҳам вазифамиз ҳисобланади. Кам таъминланган оилаларнинг болаларини ўқув қуроллари, кийим-кечак билан таъминлашда мактаб ўз имкониятлари даражасида кўмак бериш ёки оталиқ ташкилотлар томонидан бу каби хайрия тадбирларини уюштириш ҳам катта аҳамиятга эга.

Яқин кунларда бўлиб ўтадиган сайловда омадимнинг келиши бу ишларни кенгроқ доирада давом эттиришимга имкон яратади деб умид қиламан. Зеро, мамлакат тараққиётини кафолатлайдиган бошланғич манба бу умумтаълим мактабларидир. Унинг ҳозирги аҳволи, таълим-тарбия бериш сифати келажакка аниқ ташхис қўйишнинг бирдан-бир воситасидир.

Ҳа, Зевар опа айтганидек, биз бўлғуси жамиятимизни ёркинроқ кўриш ниятида бўлган мактабга назар ташлашимиз, унда таълим-тарбия бераётган ҳамда олаётганлар ҳолидан ҳамиша огоҳ бўлишимиз лозим.

# ЭЛ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙДИ



**Офтобхон КЕНЖАЕВА,**
**186-Бешариқ сайлов округи.**

Офтобхон Кенжаева Фарғона илояти Бешариқ туманидаги Қипчоқ қишлоғидан. Унинг таржимаи ҳоли бошқаларникидан деярли фарқ қилмайди. Дастлаб Навоий номидаги ўрта мактабда ўқиди. Сўнгра Фарғона педагогика институтининг биология куллиётини битирди. Кўп йиллар ўзи ўқиган мактабда ўқитувчи бўлиб хизмат қилди. У тиришқоқлиги, билимдонлиги, меҳнатсеварлиги ва ширинсуханлиги туфайли мактаб жамоаси ҳамда қишлоқдошлари ўртасида ҳурмат қозонди. Ташкилотчилик қобилияти борлигини ҳам намоён этди.

1984 йили уни тумандаги 52-мактабга директор этиб тайинлашди. Ёш директор мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва шу асосда таълим-тарбия сифатини яхшилашга, қобилиятли ёшларни илғаш, уларни тарбиялаш ва шароит яратиб беришга ҳаракат қилди. Шунинг учун ҳам мазкур мактаб ўқувчиларидан айримлари вилоят ва республика ижодкор ёшлари кўрик-танловларида фаол бўлишди.

Бундан ташқари шу ерлик қаҳрамон йигит Тўйчи Эрйигитов хотирасини тиклаш йўлида фидойилик кўрсатди. Пировард натижада 52-мактабга Тўйчи Эрйигитов номи берилди. Жорий йилдан у ўзи ўқиган Алишер Навоий номидаги мактабда директор лавозимида ишламоқда. Бу ерда ҳам Офтобхон ғайрат ва ташаббус кўрсатиб, кўпчиликнинг эътиборини жалб этаяпти.

О. Кенжаева Халқ демократик партиясининг фаол аъзоларидан бири. У партиянинг йўли тўғрилигига, эл ўртасида катта обрў-эътибор қозонишига ишонади. 1991 йил уни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсис қурултойига делегат қилиб сайлашган эди. Эндиликда унинг номзоди Республика Олий Мажлисига депутатликка кўрсатиляпти. Бундан у бениҳоя мамнун. Агар депутат қилиб сайланса, ўзига эътибор билдирган эл-юрт ишончини оқлаш ҳамда Халқ демократик партиясининг хизматига камарбаста бўлиш нияти билан яшамоқда.

Офтобхон Кенжаева тўрт нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, кўпчилик ҳавас қилса арзигулик уй бекаси ҳамдир.

# ЮРТИМ ДЕБ ИШЛАШ ШАРАФДИР



**Раҳмон МУРТАЗОЕВ,**
**225-Касби сайлов округи. Касби тумани халқ таълими бўлимининг мудири.**

Унинг номини Касби туманидагина эмас, балки Қашқадарё воҳасида ҳам ташаббускор ва ижодкор маорифчи, ташкилотчи раҳбар сифатида тилга олишади. У миллий мактабни ривожлантириш асосида ёш авлодга таълим-тарбия бериш даражасини жаҳон мезонлари даражасига кўтариш бугунги кунда халқ таълимининг долзарб вазифаси деб ҳисоблайди ва бутун раҳбарлик фаолиятида бунга амал қилиб келмоқда. Мактаб ислоҳотини амалга оширишда янгиликларга интилиш эса айни кунларда ўз самарасини бермоқда, туман халқ таълими бўлими мудирининг ҳам эл-юрт ўртасида обрў-эътиборини оширмоқда. Шу туфайли Ўзбекистон ХДП аъзоси, Касби тумани халқ таълими бўлими мудири Раҳмон Муртазоевни Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши Республика Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатди. Эл ишончини оқлашни ният қилган Р. Муртазоев сайловолди учрашувларида ўз режалари, ўйлари билан ўртоқлашишни ният қилган. Яқинда у мухбиримизга ўз фаолиятининг асосий қирраси — туман халқ таълими тизимидаги муҳим янгиликлар, дастурида кўзда тўтган масалалар хусусида сўзлаб берди.

— Мамлакатимиз мустақиллиги шарофати билан бошқа соҳалар қаторида халқ таълими тизимида ҳам жуда катта ислоҳ ўтказиш зарурлиги юзага келди. Айниқса, "Таълим тўғрисида"ги Қонун умумтаълим мактаблари тизимини, унинг мазмунини қайта кўриб чиқишни, таълим турларини янгичасига кўпайтиришни тақозо этмоқда. Биз буни чуқур ҳис қилган ҳолда келажагимиз яратувчилари бўлган ёш авлодга таълим-тарбия бериш, ўқув-тарбия ишларини жаҳон андозалари даражасига яқинлаштириш йўналишида туманимиз мактабларида қатор тадбирлар амалга оширмоқдамиз.

Ижодкорлик билан ишлаш туфайли кўпгина мактаб жамоалари ўзига хос, янгичасига таълим бериш тизимига қараб бормоқдалар. Жумладан, халқ таълими ходимлари орасида 170 нафар танлаб олинган педагог ходимлар "Туман ижодкор муаллимлар уюшмаси"га жалб этилиб, таълимни такомиллаштириш йўлида изланаяпти. Улар томонидан 1991-1992 йилларда тавсия этилган ва Республика Халқ таълими вазирлиги томонидан қўллаб-кувватланган "Дарсларни миллий ва маҳаллий шароитларга мослаш ҳақида"ги таклифлари ҳозирда ўзининг ижобий натижаларини бераяпти.

Депутатликка номзод этиб кўрсатилганимдан ҳам беҳад мамнунман. Элим деб, юртим деб ишлашга доимо шайман. Шу сабабли ўз дастуримда эл фаровонлигини ошириш ишлари режаларини қайд этдим. Шу билан бирга мамлакатимиз тараққиётининг узлуксиз устивор йўналиши бўлган халқ таълимини ривожлантириш масалаларини ҳал қилиш фаолиятимнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Билимли, маданиятли, мустақилликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадиган ёш авлоднинг камол топиши учун шарт-шароитларни яратиш, таълим муассасаларида янгича ижодий ишлашни оммавий тус олдириш, бунинг учун ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш, ўқитувчи обрў-эътиборини ошириш, уларни бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муҳофаза қилинишини кучайтириш учун курашиш асосий мақсадимдир. Бу йўлда бутун илмим, куч-ғайратим, ташкилотчилик фаолиятимни тўлиқ ишга солишга интиламан, албатта. Зотан, эл-юрт манфаати йўлида меҳнат қилган киши кўпчилик ишончини қозонаверади, деб ўйлайман.

# ЁРҚИН КЕЛАЖАК САРИ



**Дилбар УМАРОВА,**
**126-Қоратепа сайлов округи. Ургут туманидаги 84-мактаб ўқитувчиси:**

— Мен, аввало, бахтимни аёллигимда деб биламан. Негаки, аёл ҳамиша ўз фарзандига парвона, унинг тарбияси ҳамда илм олишини мунтазам назорат қилиш имкониятига эга. Шундай экан, ўқитувчилик касби аёлларга жуда ҳам ярашади.

Ўзим мансуб бўлган ХДП нинг сайловолди дастурида "Жамиятимизда иқтидорли йигит-қизларнинг истеъдодларини намоён қилишлари учун зарур пойдеворни вужудга келтириш, болаларимизни меҳнатсевар, ишбилармон, уддабурон, инсонпарвар, ватанпарвар этиб тарбиялашда "давлат — жамоатчилик — оила" саъй-ҳаракатларида уйғунлик ва самарадорликни таъминлаш соҳасида қилинаётган ишлар ўта муҳимдир" дейилган. Бу юмушлар бевосита биз, ўқитувчилар зиммасига улкан масъулият юклайди. Айниқса, болани мактабга тайёрлаш ишига зийраклик билан ёндашиш керак. Менимча, жойларда ташкил этилаётган уй боғчалари сонини кўпайтириш лозим. Унинг қулай томони шундан иборатки, бола уй шароитида тарбия олади, тарбиячи эса болалар сони камлиги учун уларнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланиш имконига эга бўлади.

Шу тарзда тарбия олган ўғил-қизларимиз мактабга боргач, тезда ўзларини тутиб, тиришқоқлик билан илм олишга киришишади. Мактабда ҳам табақалаштириб ўқитишга эътибор бериш лозим. Шундай қилинса, ўқувчиларнинг қайси бирига қандай вазифа беришда, қайси бири билан кўпроқ ишлаш кераклигини билишда ўқитувчи қийналмайди.

Мен юқорида санаб ўтган ишлар юзаки қаралганда арзимаган нарсадек туюлсада, бинонинг мустаҳкамлиги пойдеворга боғлиқлигини назарда тутсак, Ватанимиз келажагини порлоқ кўрайлик десак мактаб, боғча ҳақида биринчи галда қайғуришимиз лозим.

# ТАДБИРКОР ДИРЕКТОР



**Тойиржон АБДУРАИМОВ,**
**193-Қува сайлов округи.**

Тойиржон Абдураимов 1945 йилда Фарғона вилоятининг Қува туманидаги Қўшкечик қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси. Маълумоти — олий, Тошкентдаги республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини битирган.

Т. Абдураимов меҳнат фаолиятини 1968 йили Сирдарё вилоятидаги 8-ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Сўнгра Қува туманидаги 26-мактабда ўқитувчи, Фарғона вилоят партия қўмитасида лектор, лекторлар гуруҳи бошлиғи, Қува туманидаги 13-ўрта мактабда директор вазифаларида ишлади. Ҳозирги пайтда мазкур тумандаги 3-ўрта мактабда директорлик қилмоқда.

Т. Абдураимов қаерда ва қандай вазифада ишламасин, ўзининг энг яхши хислатлари билан кўпчилик ҳурматини қозониб келди. Ўз устида ишлаб, сиёсий-ижтимоий билимини ошириб борди. У раҳбарлик қилаётган мактабда ўқув, таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, ёш авлодни касбга йўналтириш ва шу соҳадаги янгиликларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида Фарғона давлат университети билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги ўз самарасини бераётир. Жумладан, мактабда иқтидорли болалар синфлари ташкил этилди, натижада ўнлаб ўғил-қизларнинг олий ва ўрта махсус билим масканларида имтиёзли ўқишлари таъминланди. У "Иқтидорли болалар учун махсус мактабларнинг психологик-педагогик асослари" мавзуида изланишлар олиб бориб, вилоят ва республика илмий анжуманлари кўрикларида ғолиб чиқди.

Камтар ва ташаббускор, изланувчан ва ташкилотчи Т. Абдураимов мактабни ислоҳ қилиш, ўқувчиларда дунёвий билимларни кучайтириш, миллий қадриятларни асраш ва бойитиш масалалари билан жиддий шуғулланмоқда. У "Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" унвонига сазовор бўлган.

Оилали. Уч нафар фарзанди бор.

# КАМАРБАСТА ЮРАК



Аллоҳ шоирга икки нарсани иноят қилди: қалбига дарду шоирлик истеъдоди. Аслида ҳаёт дардлар силсиласидан иборат. Шоирнинг бору йўғи, бурду бохти ҳам шу дард. Эл дарди. Халқ ташвиши. Ҳазрат Алишер Навоийга Низомиддин рутбасининг қўшиб айтилиши ҳам асли шу туфайли.

Абдулла Орипов, Азим Суюн. Икки шоир — бир дард. Юрт фаровонлиги, мамлакат равнақи, эл осойишталигига камарбаста юрак.

Шоир — дард. Дард — ҳаёт. Ҳаёт — халқ. Заҳматкаш халқимизнинг орзу-умидларини ўз қалбига жойлаган шоирларимизга, Олий мажлис депутатлигига номзод сифатида омад тилаймиз.

*Мутахассис фикр юритади*

# ЭРТАНИНГ ЭГАЛАРИ

Болалар жамиятимиз келажаги, умримиз давомчилари, эртамиз эгаларидир. Уларни соғлом, зиёли, виждонли, шижоатли қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Замона зайлига кўра қимматчилик, етишмовчиликлар натижасида кичик ёшдаги болаларга (яъни 4, 5, 6 ёшли) эътибор бериш, уларнинг келажаги тўғрисида бош қотириш кўнгилдагидек эмас. Ота-оналар бу масала хусусида обдон ўйлаб кўришлари лозим. Улар ҳар бир болани мактабга эртароқ тайёрлаб боришгани маъқул. Бу ўринда қуйидаги маслаҳатларни берган бўлардик.

Дастлаб болани мактабга тайёрлаш учун уни боғчага юбормай, болалардан ажратиб қўйиш хато. Мактабгача ёшдаги болакай боғчага тенгқурлари билан доимий мулоқотда бўлгани дуруст. Чунки ўртоқлари орасида ўзини эркин, дадил, қувноқ ҳис этади. Ўзаро сўзлашиб, ўйнашиб фикр алмашади, бир-бирини англашни, энг муҳими, кўпчилик билан муомала қилишни ўрганади.

ЎзПФИТИ илмий ходимлари томонидан ишлаб чиқилган "Бошланғич таълим давлат стандарти кўрсаткичлари"да 1-синфга келган болаларнинг мактабга тайёргарлик даражаси икки босқич асосида қуйидагича аниқланади: боланинг фикрини англаш ва уни ифодалаш даражасига ўлчов белгилаш.

Бола фикрлаши ва мушоҳада юритиши учун, аввало, соғлом бўлиш керак. Агар бола носоғлом бўлса, уни олти ёшдан бошлаб мактабга тайёрлаган маъқул. Ҳозирги шароитда болаларимиз соғлом ўсаяпти, деб ўйлаш хато. Гапнинг тўғриси, улар истаган нарсани сотиб олиш имкони ҳамиша ҳам бўлавермайди. Бундан ташқари, экологиямиз ҳақида ҳам мақтана олмаймиз. Айниқса шаҳар шароитида ўсаётган болаларимиз бирмунча инжиқ. Болаларни мактабга тайёрлаш жараёнида бу ҳолга катта эътибор бериш керак бўлади.

Ота-оналар кичик нарсага ҳам катта қизиқиш билан қарайдиган боланинг "Бу нима?", "Бу нима учун керак?", "Бу ўзи қаердан келган?", "Нима учун бу нарса керак бўлади?" — деган ранг-баранг саволларига атрофлича ўйлаб тўғри жавоб беришлари лозим. Шу билан бирга 5 – 6 ёшга тўлган боланинг нутқини, талаффузини текшириш, уларнинг турли воқеа-ҳодисаларга бўлган муносабатини саволлар орқали билишга қизиқишлари ва боладаги нотўғри тушунчаларни тўғрилаб боришлари керак.

Бундан ташқари, оила аъзолари болаларга совға танлаганларида фақат қўғирчоқ ёки машинача эмас, балки саноқ чўплар, рангли геометрик шакллар сотиб олишлари фойдадан холи эмас. Чунки бола саноқ чўплар орқали санашни, қўшишни ва айиришни ўрганса, шакллар орқали уйча қуриш, фикрлашга, рангларни ажратишга ўрганиб боради.

Хуллас, унинг ҳар бир нарсага бўлган муносабати, қизиқиши бизнинг назаримиздан четда қолмаслиги керак. Шу билан биргаликда болага мактаб ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун тушунчалар бериб борилади. Шундай қилинса, у мактабга келгандан сўнг ўқитувчини осон тушунади.

Маълумки, ҳар бир бола ўзига хос инжиқлик, эркалик ва тортинчоқлик хусусиятларига эга. Улардаги ирода, қунт, сабр-тоқат ва қобилият ҳам турлича бўлади. Мактабга аввалдан тайёргарлик кўриб келган болалар ўқитувчига бир бор кузатишдаёқ сезилади. Унга ўқитувчининг топшириқлари масъулиятли, қизиқарли бўлади. Бундай болалар дарсларни қизиқиш билан тинглайдилар. Ҳар бир нарсани тез илғаб олгиси келади. Бу ҳолатлар болаларнинг ўзлаштиришини яхшилашга сабаб бўлади.

Мактабга тайёрланмаган болалар эса дарсда эътиборсиз ўтиришади, ўқитувчи томонидан берилган вазифаларни чала-чулпа бажаришади. Танаффусни сабрсизлик билан кутишади. Тез зерикишади. Натижада дарслар бундай болаларнинг тез жонига тега бошлайди. У ўтиргиси келмай: "Қорним оч қолди", "Ташқарига чиққим келяпти", "Уйқум келяпти", "Уйга кетгим келяпти", "Кетаман" деган баҳоналар қидира бошлайди. Бундай пайтда болани шаштидан қайтариш уни янада зериктириш ва мактабдан бездиришга олиб келади.

У ўйнаб ҳориб, чарчаб келгандан сўнг, дарсини тайёрламай ухлаб қолади. Уй вазифаларини эса ота-она бажариб, ишлаб беришга мажбур бўлади. Бунинг оқибатида бола ўқишга юзаки қарайдиган, дангаса ва ёлғончи бўлиб қолади. Шунингдек, ЎзПФИТИнинг бошланғич таълим бўлимида ишлаб чиқилган "Бошланғич таълим концепциясида биринчи синф ўқувчисига уй вазифаси топширмаслик белгилаб берилганлиги жуда маъқулдир.

Бола юқоридаги қийинчиликларга дуч келмаслиги учун, барча камчиликларнинг олдини олиш, ота-она болани аввалдан мактабга тайёрлаб бормоғи лозим. Мактабга қадам қўйган кундан бошлаб ҳар бир ота-она уйидаги шароитларни ҳисобга олган ҳолда болани кундалик тартибга ўргатиб бола учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериши керак. Бу ҳар бир ота-онанинг муқаддас бурчидир.

**Манзура ҲАМДАМОВА,**
**ЎзПФИТИнинг илмий ходими.**

Шарқшунослик институти 50 ёшда

# МИҚЁСИ КЕНГ ТАЪЛИМ МАСКАНИ

Урушнинг суронли 1944 йилида Тошкент давлат университети таркибида янги шарқ филологияси факультети ташкил этилиши республикада шарқшунослик таълимини янги поғонага кўтарди. Академик В. В. Струва, СССР Фанлар академияси мухбир аъзолари Е. Э. Бертельс, А. Н. Якубовский, таниқли профессор ва доцентлар В. Н. Беляев, А. Н. Болдирев, А. К. Боровков, А. Н. Кононов, И. П. Петрушевский, А. З. Писаревский, А. Г. Тагиржанов, А. Ҳамраев, С. Мирзаев, М. Б. Баҳодиров каби олимлар бу ишда жонкуярлик қилишганди.

Шарқшунослик таълими ва фани аслида бундан олдин ҳам мамлакатимизда таркиб топган бўлиб, бой анъанага эга эди. Абдураҳмон, Абу Саид Маҳзум, Акрам Асқаров, Мирзо Бухорий, Аҳмад Дониш, Ҳожи Юсуф, Садриддин Айний, Ғози Юнус, Фотиҳ Каримов каби эски мактаб кўрган ўлкашунос зиёлилар тадқиқот ишлари билан бирга шогирдлар тарбиялаб етиштирганлари шубҳасиз. Қолаверса, 1918 йилда Тошкентда бир пайтнинг ўзида илмий тадқиқотлар ва таълим ишлари билан шуғулланувчи Туркистон Шарқшунослик институтининг таъсис этилиши янги оврўпача илғор услубда ички ва ташқи шарқни ўрганиш, шарқшунос-мутахассислар тайёрлашга мустаҳкам асос солган эди. Кейинчалик, 1924 йилда институт Ўрта Осиё давлат университетининг шарқшунослик факультетига айлантирилиб, 1931 йилда эса тугатиб юборилган эди. Ана шу тарихан қисқа вақт ичида ҳам шу илмий даргоҳдан А. К. Боровков, И. А. Киссен, В. В. Решетов, К. К. Юдахин, П. П. Иванов, А. Я. Маджи каби таниқли тилшунос ва тарихшунос олимлар, Мухтор Авезов, Сотим Улуғзода, М. И. Шевердин каби ёзувчилар етишиб чиқдилар. Лекин 30-йиллардаги қирғинлар қуюни зиёлилар, олимлар, айниқса, маҳаллий кадрларга завол келтирди. Шарқшуносликка ҳам раҳна солди. Шунга қарамай, факультетнинг таъсис этилиши муҳим воқеа бўлиб қолади.

Факультет ўзининг биринчи талабаларига 1949 йилда ҳаётга йўлланма берди. Уруш ва урушдан кейинги юпун, машаққатли йилларда шарқшунос мутахассислигини эгаллаган илк қалдирғочлар сони 57 нафар эди, холос. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги республикамизда фан ва маданият соҳасида танилган арбоблардир.

1961 йил факультет тараққиёти тарихида бир муҳим сана бўлди. Ана шу йили Республика ҳукумати мамлакатимизда чет тиллар таълимини ривожлантириш, уни ҳозирги замон талаби даражасига кўтариш масаласи бўйича махсус қарор қабул қилди. Қарорда бошқа чет тиллар қатори Шарқ тилларини ўрганишни кенгайтириш, энг муҳими, шарқ тиллари чуқур ўргатиладиган мактаблар ташкил этиш, шарқ тиллари бўйича дарсликлар яратиш, чет эллардан мутахассислар чақириш ва шу каби бир қатор масалалар ўз ифодасини топди. Ана шу қарор шарофати билан шарқшунослик соҳасида собиқ илмий-назарий йўналиш билан биргаликда янги-амалий йўналиш вужудга келди. Бошқача қилиб айтганда, илгари шарқшунослик таълимида қўлёзмалар, халқимизнинг бошқа ёзма ёдгорликларини ўрганиш бош йўналиш бўлган бўлса, эндиликда мамлакатнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари, халқ маорифи талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шарқ тиллари бўйича ўқитувчи референт ва таржимонлар тайёрлаш ҳам муҳим вазифа сифатида кун тартибига қўйилди.

Йиллар ўтиб, тажриба тўпланиши билан шарқшуносликнинг бу икки йўналиши ривожланиб, ўзаро уйғунлашиб борди. Шунинг учун бўлса керак, бугунги кунда шарқшунослик факультети битирувчилари, республикамиздаги, МДҲ ва чет эллардаги илмий муассасалар, ташкилотлар, корхоналарда муваффақият билан меҳнат қилаётирлар.

Шарқ филологияси факультетида араб, форс, турк тиллари, тарих, санъат, археология, дипломатия фанлари ўқитилган бўлса, кейинчалик турли ихтисослар ажратилиб, янги-янги мутахассисликлар очилди. Шунинг учун ҳам илгариги араб, эрон-афғон, ҳинд филологияси кафедралари ёнида янги уйғур, хитой, туркиёт, корейс, япон, ўзбек, рус тиллари, хорижий шарқ халқлари адабиёти, Ғарбий Оврўпо тиллари каби бир қатор кафедралар очилиб, улар сони ўн учтага етди.

Ниҳоят, 1991 йил Республикамиз Президенти ташаббуси билан факультет базасида янги олий ўқув юрти — Тошкент давлат шарқшунослик институти таъсис этилди. Бу билан шарқшунослик соҳасида қилинган кўп йиллик самарали меҳнат ўз ривожининг янги поғонасига кўтарилди.

Шарқ филологияси факультетининг ўтган 50 йиллик тарихига назар ташлар эканмиз, чиндан ҳам улуғ ва шарафли бир йўл босиб ўтилганининг гувоҳи бўламиз. Ана шу йиллар давомида факультетни 3000 дан ошиқроқ талаба битириб, ҳаётга йўлланма олди. Факультет битирувчиларидан ҳозирги кунга қадар 66 нафар фан доктори, 200 нафардан зиёд фан номзоди етишиб чиқди.

Бугунги кунда шарқ филологияси факультети хайрли анъаналарга содиқлик билан юқори малакали шарқшунос кадрлар тарбиялашни давом эттирмоқда. Ҳозирнинг ўзида факультетда 500 дан ошиқ талаба араб, форс, турк, пушту, урду, ҳинди, бенгал, хитой, корейс, япон, вьетнам тиллари ва адабиёти бўйича таълим олмоқдалар. Уларга дарс бераётган 200 га яқин устозлар орасида 1 нафар Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, 11 нафар фан доктори, профессорлар, 50 нафар фан номзоди, доцентлар бор. Япония, Ҳиндистон, Туркия, Миср Араб Республикаси, Жанубий Кореядан келган мутахассислар ҳам талабаларнинг шарқ тилларини амалий ўрганишларида яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Шунингдек, талаба, аспирант, ўқитувчиларимиз Миср, Хитой, Туркия, АҚШ, Ҳиндистон, Сурия, Жанубий Корея, Японияга бориб ўзларининг тил малакалари, билим савияларини ошириб келмоқдалар. Талабалар орасида мунтазам ўтказилаётган шарқ тиллари билимдонлари конкурслари чет эл элчихоналарининг диққат эътиборини тортмоқда. Масалан, ойда бир марта ўтказиладиган япон тили билимдонлари конкурси учун Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси ўзининг махсус мукофотини таъсис этди. Покистоннинг "Табани" фирмаси ҳам урду тили билимдонлари учун махсус мукофот — олтин ва кумуш медаллар таъсис этиб, ҳар йили уларни ғолибларга топширмоқда.

Бугунги кунда факультет кафедралари қошида шарқ халқлари тиллари, адабиётлари соҳасида беш мутахассислик бўйича аспирант ва докторантлар изланиш олиб бормоқдалар, арабзабон ёдгорликларни ўрганиш ҳамда туркиёт масалалари бўйича икки илмий тадқиқот маркази ишлаб турибди. Бошқача қилиб айтганда, факультетда ўқиш жараёни билан бир қаторда шарқшуносликнинг долзарб муаммолари бўйича илмий изланишлар ҳам олиб борилаётир ва бу амалиёт ҳамда назариётнинг ажралмас бирлиги ўзининг ижобий самарасини бераётир.

**Раҳмон ИНОМХЎЖАЕВ,**
**доцент, Тошкент давлат Шарқшунослик институти шарқ филологияси факультети декани.**

*Янги иш услубига кенг йўл*

# "АЛИФБО"СИЗ ЎҚИТИШ ТАЖРИБАСИ

**Ҳар йили мактабларнинг биринчи синфларида илк сабоқни "Алифбо" дарси билан бошлаб, қарийб олти ой шу фанни ўқитиш, сўнгра эса тантанали "Алифбо" байрамлари ўтказиш одат тусига айланиб қолганди. Тўғриси, болаларимизнинг полопонликдан шу фан сабоқлари туфайли тиллари бийрон бўлганидан ота-оналар каторида муаллим ҳам қувонарди. Бир қарашда муҳим ютуқ қўлга киритилгандай.Аслида ҳам шундай. Лекин...**

**Мустақиллигимиз туфайли таълимни ислоҳ қилишнинг янгича усулларини жорий этиш, жаҳонда бу соҳада эришилган илғор тажрибалардан андоза олиб, ривожланган давлатларга етиб олиш сари бормоқдамиз. Ана шу нуқтаи назар билан "Алифбо"ни мактабда ўқитиш масаласига қарасак, юқорида қайд этилганидек, ортиқча қувонишга ҳожат қолмаслиги табиий. Яккабоғ тумани халқ таълими бўлимида бу масала бир неча бор муҳокама этилиб, педагоглар жамоаси, тажрибали боғча мудиралари билан маслаҳатлашилиб, Ойбек номидаги мактабда тажриба-синов тариқасида алифбосиз ўқитишни шу ўқув йилидан жорий этишга келишилганди. Мана,орадан бир муддат вақт ўтди. Хўш, бу борада эришилган натижалар кўлами қандай ёки биринчи синфда тўғридан-тўғри алифбосиз ўқиш самара бераяптими?**

**Тўғрисини айтганда, аввал бошда бир оз қийинчиликлар ҳам бўлди. Айтайлик, керакли шарт-шароитнинг йўқлиги, мутахассисларнинг тайёр эмаслиги кўпчиликни иккилантирганди. Бироқ ҳамкорликда гап кўп экан.**

**Мактаб жамоаси ишни аввало тумандаги "Ширинтой" болалар боғчасидаги аҳвол билан танишишдан бошлади.**

**Таҳлиллар, кузатишлар натижасида боғчада бу масалага бундан уч йил аввал, мустақил равишда киришилганлиги аён бўлди. Маскандаги барча ходимлар оддий тарбиячигина бўлиб қолмай, балки ҳар бири фан мутахассислари,олий малакали мураббийлар эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз.**

**Ўқув йилинингбошиданоқ мактабда 24 нафар ўқувчи руҳшунослардан иборат гуруҳ назоратидан ўтиб ўқишни бошлаб юборганди. Бу ишда фақат халқ таълими ходимлари иштирок этмасдан ота-оналар, маҳалла қўмиталари, жамоатчилик кенгаши ҳамда фахрийлар ҳам фаол қатнашишди. Натижалар чакки эмас. Ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши кутилгандан зиёда бўлмоқда. Тумандаги барча мактаб жамоаси, боғча тарбиячилари бу тажрибани чуқур таҳлил этиб, келгуси ўқув йилидан ўз мактабларида ва боғчаларда тўла қўллаш учун тайёргарлик кўришмоқда.**

**Алифбосиз ўқитишдаги тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, биринчидан, боғчадан мактабга ўқишни, ёзишни тўла ўзлаштириб келган бола янгиликни тез илғаб олади, ёзиш, нутқ маданияти кенг шаклланган бўлиб, бошқа фанларни ўзлаштиришда қийналмайди. Иккинчидан, тиббий назорат қилинганда ҳам улар ҳар томонлама баркамол эканлиги қайд этилмоқда. Учинчидан эса, бошланғич синф мутахассисларининг дарс ўтишларида, ҳар бир ўқувчининг ана шу пайтданоқ қобилияти, қизиқишини англаб олишга имкон яратилаётганлигини муаллимлар мамнуният билан таъкидлашмоқда. Бироқ алифбосиз ўқитишда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Чунончи, бу ишда асосий масъулият боғчалар зиммасида бўлади. Гуруҳлар билан ишлашда фойдаланадиган қўшимча матнларнинг йўқлиги, кичик ёшдаги болаларга мўлжалланган катта ҳарфлар билан босилган китобларнинг етишмаслиги, дарсликлар, кўргазмаларнинг йўқлиги, шунингдек, айрим фанлардан масалалар ҳажми кенг бўлиб, мисолларга ўрин кам берилганлиги баъзи чигалликларни келтириб чиқармоқда. Лекин, шунга қарамай, боғча тарбиячилари ҳам, мактаб маъмурияти ҳам имкони борича ўзлари тайёрлаган дастурлар асосида иш олиб боришмоқда.**

**Муҳими, Яккабоғда янгича иш усулига кенг йўл очилди. Қисқа даврда унинг оммалашиши, ижобий самара бериши шубҳасиздир.**

**Хайрулла ТЎРАЕВ,**
**туман халқ таълими бўлими услубчиси.**

*Халқ таълими фидойилари*

# ҚИРҚ БЕШ ДАҚИҚА — ҲАМ ДАРС, ҲАМ ТАРБИЯ

Илк бор мактаб остонасидан ҳатлаб, партада ўтирган дамларингизни, муаллим қўлига оппоқ бўрни ушлаб синф доскасига Она, Ватан сўзларини ёзаётганида ҳайратланганларингизни эслай оласизми? Албатта, илк бор қўлимизга қалам тутқазиб, илм йўлига бошлаган, Ватан, ҳаёт, меҳр, муҳаббат атамаларини дилимизга жо этган муаллим ҳар қачон биз учун қадрдон.

Шунинг учун ҳам бўлса керак, биз ҳеч қачон мактабни ва устозларимизни унутмаймиз! Мустақил ҳаётга қадам қўйганимиздан бошлаб, то ёшимиз бир жойга бориб қолгунича улар сабоқларини бот-бот эслаб турамиз, ҳаттоки, ўз фарзандларимизга бизнинг ўқитувчи шундай деган эди, шундай қилсанг, ишинг бароридан келади, деб ҳам қўямиз.

Устозимиз — Косон туманидаги Йўлдош Охунбобоев номидаги 23-ўрта мактаб директори Элмурод Гуллиев ҳам билимдон, ўз касбини қадрлайдиган, севадиган ўқитувчилардан. У синфга киргач, ҳар сафар ўқувчиларга ибрат бўларли бирон гапни айтиш билан дарсни бошлайди.Мана, бугун унинг айтган сўзлари: "Расулуллоҳ айтадилар: "Тушимда менга бир идишда сут келтирилди, қонгунимча ичдим, ҳатто тирноқларимдан сут чиққанини кўрдим". Саҳобалар сўрадилар: "Ё Расулуллоҳ, сутни нимага йўйдингиз?". "Илмга", — дедилар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам. Илм оппок сутдек кишини поклик йўлига ўргатгувчидир".

Бу борада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш фахрийси Абдураҳмон Баракаев Элмурод акага устозлик қилган. Бор билимини, тажрибаларини шогирди қалбига сингдирган. Айни кунда Элмурод ака ўзи туғилиб ўсган қишлоқ ёшлари юксак илм эгалари бўлиши учун жон куйдириб юрибди.

— Мактабимизда 668 ўқувчи таълим олмоқда, — дейди биз билан суҳбатда Э. Гуллиев. — Уларга 80 нафар муаллим таълим-тарбия бераяпти. Ҳар йили мактабимиздан 6-7 ўқувчи турли фанлар бўйича олимпиадаларда фахрий ўринни эгаллаб келяпти. Ўтган йили 7 нафар ўқувчимиз олий ўқув юртларига тест усули билан имтиҳон топшириб,талаба бўлди.

Мактабда тез-тез адабий кечалар ўтказилиб турилади. Бундай тадбирлар ўқувчиларни турли беллашувларга, олимпиадаларга тайёрлашда, шунингдек, Ватанга, мустақил юртга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётир. Ҳамма ишларга бош-қош бўлаётган Элмурод акадир. У ўз устида кўп изланганидан синфларда математика дарслари худди бир қўшиқдай, қирқ беш минут бир сониядай ўтиб кетади.

Бир сўз билан айтганда, Э.Гуллиев республикамиз ривожига, иқтисодиётимизга салмоқли ҳисса қўшадиган иқтидорли математикларни, ажойиб иқтисодчиларни тарбиялаш нияти билан яшамоқда.

**М. НАБИЕВА.**






# ТАБИАТГА МЕҲР УЙҒОТИБ

**Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал деган сўзни кўп эшитганмиз. Тошкент шаҳридаги 65-мактабнинг тарих ва этнография музейи ҳамда экология кабинетида бўлган киши ушбу нақлнинг ҳақлигиuа яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Юксак дид ва билимдонлик билан безатилган музейда ўлкамиз тарихи, табиатига, ижодкор халқимиз ҳаётига оид бой экспонатлар бу ерга келувчилар эътиборини жалб этади.**

**Музей раҳбари, биринчи тоифали ўқитувчи Алфия Акрамовна Фатхуллина мактаб педагог ва ўқувчилар жамоаси билан ҳамжиҳатликда музей экспонатларини бойитиш йўлида тинмай меҳнат қилаётир. Музей қошида тарих ва экология тўгараклари мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўқувчилар халқимиз ҳаётини, ўлка табиати ва экология муаммоларини туман ҳаёти билан боғлаб ўрганаётирлар, буни Лабзак ариғи ва ён атрофдаги кўча ва майдонларга оид йиғилган ҳужжатлардан билиш мумкин.**

**Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан мактабга меҳмон бўлиб келаётган ўқитувчи ва мактаб раҳбарлари музей фаолиятидан мамнун эканликларини таклиф ва мулоҳазалар дафтарида қайд этишган. Яқинда бу ерда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти курс тингловчилари меҳмон бўлишиб, экология кабинети ва тўгарак аъзолари иши билан танишишди.**

**Суратларда: 1. Экология кабинети раҳбари А. Фатхуллина ёш географ ва тарихчиларнинг иши ҳақида гапириб бермоқда.**

**2. Республика экология ва табиатшунослик маркази бўлим мудири, доцент Ҳайдар Йўлдошев экскурсияга келганларни ўқувчилар томонидан олиб борилаётган экологик ишлар билан таништираётир.**

**Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

# МАЗМУНЛИ САБОҚЛАР

Ўқитувчиларнинг фан-техника тараққиётини мукаммал ўзлаштиришларида, таълимдаги янгиликлар билан яқиндан таништиришда Республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институти олиб бораётган тарғибот ва ташвиқот ишлари муаллимларга маъқул келмоқда.

Ўтган жума куни республикамизнинг турли вилоят ва шаҳарларидан келган бир гуруҳ тингловчилар ўз мутахассисликлари бўйича малака ошириш курсларини якунладилар.

— Институтда фандаги янгиликларни мукаммал ўзлаштириш учун барча шарт-шароит яратилган,— дейди сурхондарёлик муаллим Болта Рўзиев. — Бир ой давомида билимларимизни мустаҳкамлаш, илғор тажрибалардан баҳраманд бўлиш билан бирга институт қошида ташкил этилган саломатликни мустаҳкамлаш бўлими ходимлари назорати остида соғлигимизни ҳам тиклаб олдик. Шунингдек, О. Мадаев, Ё. Тожиев, Т. Ниёзметова сингари ўз фанининг фидойилари берган сабоқлар тингловчиларнинг ҳар бири учун дастуриламал бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Бир сўз билан айтганда, малака ошириш институтидан олган мазмунли сабоқларимизнинг самараси иш фаолиятимизда, ёшларга таълим-тарбия беришимизда ўз натижасини беради.

**Марзия ҲАМДАМОВА.**

# ИЖОДКОРЛИК — БОШ МЕЗОН

**Низомий номидаги педагогика институти бадиий графика факультети ўқитувчиларининг илмий-ижодий изланишлари мавзулар ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бунинг бош сабаби эса ўқитиш жараёнида амалиётнинг устиворлигида десак янглишмаймиз. Чунки ўқув устахоналарида олиб борилаётган машғулотларда талабалар устозларининг ижодий тажрибаларидан кўриб фойдаланиш, улар қўллаган тасвирлаш, акс эттириш усулларини ўрганиш имкониятига эга бўладилар. Бўлажак тасвирий санъат муаллими учун устозининг ишни қай даражада шогирдлари кўзи ўнгида бажариб кўрсатиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабдан бўлса керак, рангтасвир кафедрасининг етакчи домлалари ҳисобланувчи Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Малик Набиев ҳамда Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг аъзоси, таниқли мусаввир Ғофир Абдураҳмонов сабоқларига талабалар алоҳида диққат-эътибор билан қулоқ тутишади, улар қўллаган тасвирлаш услубларини ўрганишга астойдил ҳаракат қилишади. Бу, ўз навбатида, ўқув-машқ топшириқларининг сифатли бажарилишини таъминлаяпти.**

**Қаламтасвир кафедрасида ўқув машғулотлари илмий-услубий ва амалий жиҳатдан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилаяпти. Ўқитувчиларнинг илмий тадқиқотлари, тажрибалари, диссертация мавзуларида назарий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилиб, амалиётга жадал татбиқ этилаётган ўқитиш услублари ҳам ўз ижобий самараларини бермоқда. Кекса, тажрибали рассом-ўқитувчи, доцент Николай Тен, педагогика фанлари доктори Саидахбор Бўлатов, доцент Қобил Қосимов, докторант Ботир Бойметов ёзган дарслик, услубий қўлланма, рисола ҳамда тавсияномалар, дастурлардан кундузги ва сиртқи бўлим талабалари унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқдалар.**

**Баҳром ТОЖИЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

*Ҳунар-техника билим юртларида*

# ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" номли китобида ҳаётимизнинг ҳар бир йўналишига ижодий ёндашилиб, жумладан, республикамиз келажаги ёшлар қўлида эканлиги алоҳида таъкидланган. Эндиликда ана шу тамойиллардан келиб чиқиб, таълим ва тарбия тармоғининг асосий йўналишларидан бири — ҳунар-техника таълими тизимида ҳам муҳим ўзгаришлар қилинишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бозор иқтисодига ўтиш даври ҳам ҳунар таълимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Бу борада республика ҳунар-техника билим юртлари малакасини ошириш институтида бир талай муҳим ишлар йўлга қўйилди. Чунончи, АҚШ, Голландия, Туркия, Олмония каби давлатлардаги ҳунар таълими тизими ўрганилиб, айни пайтда тажриба тариқасида 50 дан ортиқ билим юртларимизда қўлланилмоқда.

Билим юртларининг педагоглари, таълим усталари билан ишлашда ҳам ҳамкорлик тўла шаклланаяпти. Айтайлик, ана шу ҳамкорлик туфайли 230 хил ишчи касбининг 45 фоизи янгиланди.

Тарбияни ахлоқ мезонлари асосида амалга оширишнинг Шарқ халқларига мос воситалари хилма-хил бўлиб, улардан энг муҳими, таълим-тарбия бериб, ҳунар ўргатишдир. Илгарилари ҳунар масканларига "иккинчи даражали ўқув маскани" сифатида қаралиб келинарди. Уларга мактабда фанларни бўш ўзлаштирувчи, аҳлоқи ёмон болалар юбориларди. Бу эса ўқув юртлари обрўйига путур етказди. Боз устига таълим усталари, педагогларнинг кўпчилиги талаб даражасига жавоб бера олмайдиган кишилардан иборат эди.

Ўтмиш сабоқларидан тўғри хулоса чиқарилган ҳолда малака ошириш институтимизда таълим ва ҳунар ўргатишнинг янгича йўналишлари ишлаб чиқилди. Уч йилдирки, ҳунар билим юртларидаги жараён кескин ўзгарди. Институт ишлаб чиққан тавсия асосида Самарқандда 6 мутахассислик, Фарғонада 5 хил мутахассислик, Сурхондарё ва Андижонда 7 хил янги мутахассисликларни ўргатиш бўйича тажриба ўтказилди. Улар ҳозирда маъқул топилиб, республика ҳунар-техника билим юртларига жорий қилинмоқда. Шунингдек, бу ўқув даргоҳларида эндиликда ҳунар ўрганаётганлар мажбурий эмас, балки ўзлари қизиқиб келишаяпти.

Яна бир нарсани айтиб ўтиш жоизки, билим юртларида бўлажак мутахассисларни ишга жойлаштириш масаласи ҳам биринчи ўринга олиб чиқилди. Корхона, муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, малака ошириш институти бу муҳим ишни назорат қилиб боришни ўз зиммасига олган.

Албатта, қилинаётган ана шу хайрли ишлар муҳим соҳанинг янгиланиш сари одимлаётганидан бир дебочадир. Ҳали олдинда жуда кўп тадбирларнинг борлиги, халқ таълими тизимидаги ана шу тармоқни юқори поғоналардан бирига кўтаришдан далолат. Чунончи, ҳунар-техника билим юртлари мутахассислари малакасини ошириш учун мутахассисларни бу соҳадаги янгиликлар, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, малака ошириш институти ҳамкорлик йўлида дадил одимламоқда. Билим юртлари билан ўзаро ҳамкорликнинг натижаси аста-секин ўзининг ижобий натижасини беради, деб ўйлайман.

**Шуҳрат ЮСУПОВ,**
**ҳунар-техника билим юртлари ходимлари малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси.**

1945 — *Жасорат, садоқат, абадият* — 1995




# УМР СЎҚМОҚЛАРИ

*Ёлғиз қолганимда элтади хаёл,*
*Кексалик тортади қалбимдан мадор.*
*Айтарсиз, жангни кўп ёзар деб, алҳол,*
*Не қилай, қонимда алангаси бор.*

**Бу сатрлар отахон шоиримиз Назарматнинг шу йили "Ёзувчи" нашриётида чоп этилган "Кўнгил тароналари" китобидан. Мажмуани варақлар экансиз, етмиш беш йиллик умрнинг сирли ва соҳир, дардли ва алангали сўқмоқларини кўрасиз. Бу сўқмоқлар шоир кўнглидан отилиб чиққан сўзлар билан нақшбанд этилган. Беихтиёр нигоҳ ва шуурингиз ўша сўқмоқлар ичра айланади.**

**Китобни яна варақлайсиз. Умр сўқмоқлари. Шоир Назарматга хос сўқмоқлар.**

## БИРИНЧИ СЎҚМОҚ

### ИШҚ

Машҳур адиб Ҳенрих Ҳейнени гўзал Амалия ва Рейн дарёсига бўлган муҳаббат шоир қилган дейишади. Аслини олганда, ишқ дардига мубтало бўлган барча ошиқлар тунни кунга улаб шеър ёзишади. Ҳар бир ошиқ шоир бўлиб кетаверганида, бу кўҳна Замин фақат шоирлардан иборат бўларди. Аллоҳга минг қатла шукрки, ундай эмас. Шоирлик — Аллоҳнинг инояти. Назармат ака ҳам шундай иноят эгаларидан.

Назарматни шоир қилган Нов (Ленинобод вилоятида шундай ажиб маскан бор)нинг гўзаллиги-ю, унинг гўзаллари.

Ишқ боғи. Ана, гўзал саллона қадамлар билан боғ сари бормоқда:

**Дилбар борур тонг чоғида гулбоғ томон оҳиста,**
**Порлаб қуёш ёноғида, бўлур ширмон оҳиста.**
**Кўзи учқун, юзи гулгун, кулгуси шўх, беомон,**
**Қараб маҳваш, келур яккаш, дилбари**
**жон оҳиста.**

Ошиқни ёрнинг гўзаллиги ошуфта этади. Энди унинг ҳамроҳи фақат Тун, Қалам, Шамчироқ:

**Қўшиқ куйлай гўзал холу жамолингдан, ёр,**
**Ошуфтаман, пари пайкар хаёлингдан, ёр.**
**Замин фасли гул ундирди булбуллар учун,**
**Кўнгил эрса баҳор истар висолингдан, ёр.**
**Сени ўйлаб, сени куйлаб ўтгум ишқ йўлин,**
**Назар достон айтай меҳру жамолингдан, ёр.**

Ишқ йўли — машаққат водийси. Унда ҳижрон дамлари-ю, фироқ аламлари бисёр:

**Борган эдим, йўқ экансан, қайда деб жонон,**
**Аста юриб айландиму, боқдим ҳар томон.**
**Соғинтирган таниш чеҳранг кўролмай унда,**
**Юрагимда кўтарилди ўтли бир армон.**
**Ўтиб борар дардли йўллар, ҳижрон дамлари,**
**Борми соғинч бу юришнинг сўнгги, у қачон.**

Ҳар бир нарсани билониҳояси бўлганидек, ҳижрон дамларининг ҳам поёни бор. Ошиқ шу фараҳли дамларга мушарраф бўлди. У бахтдан масрур:

**Дедим хурсанд: "Висол гаштин бирга**
**сурайлик",**
**Дединг: "Бизга насиб бўлсин бахтли**
**манзиллар".**
**Бир мен эдим, бир сен эдинг, шод эди диллар,**
**Меҳримизни куйлар эди боғда булбуллар.**

Висол дамларидан кейин ҳам ишқ дардини қалбида сақлаб қола олган ошиққина шоир бўла олади.

**Ошиқ шоирга айланди.**

## ИККИНЧИ СЎҚМОҚ

### ХОТИРА

1941 — 1945 йиллардаги уруш ўзбек тарихинингда ўчмас саҳифалари бўлиб қолажак. Ўша оловли йиллар шоир Назарматда, жангчи Назарматда ўз изларини қолдирган. Ва бу излар аччиқ хотира бўлиб, сўзлар билан муҳрланмоқда.

Шеърлар, Хотиралар. Аслида булар ўша қонли кунларнинг келажакка даъвати:

**Кўрмасин биз кўрган урушни жаҳон,**
**Деймиз ҳеч қайтмасин ўша қонли он.**
**Бехатар яшасин дунёда одам,**
**Тинчликда ер яшнаб, бўлсин гулистон.**

Эллик йил. Бир авлод умри. Лекин унда неча-неча тақдирларнинг чексиз излари мужассам.

**Оҳ, сени ёд олдим, эсланди жанггоҳ,**
**Шаҳидлар кўринди хаёлда шу он.**
**Ҳамдўстлик эллардан фарзандлар, эй воҳ,**
**Йўқ бўлди йигирма етти миллион.**

Тарих ғилдираги айланаверади. Наздимиздан мозийнинг ўша қонли парчасини узоқлаштираверади. Шеърлар эса қалбимиз садоси бўлиб қолажак.

Назармат қўлида қурол ва қалам билан ўша мудҳиш дамлар исканжасини ёриб чиқди.

**Шоирлик тақдирга айланди.**

## УЧИНЧИ СЎҚМОҚ

### БУ КУНЛАРГА ЕТМАГАНЛАР БОР

Мустақиллик. Истиқлол. Бу фараҳли кунлар пойдевори хув ўша жанг майдонларида қўйилган эмасми, аслида. Аслида бугунги даврнинг ҳар бир онида Ватан учун жон фидо этган мардларнинг руҳи поки яшайди:

**У — кабутар, озор берманг хокига,**
**Таъзим айланг, тупроғингизда яшар.**
**Бошни эгинг унинг руҳи покига,**
**Ҳилпираган байроғингизда яшар.**

Мустақиллик. Истиқлол. Боболаримизнинг асрий орзуси. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Бу кунларнинг ҳар дақиқаси кўзга тўтиё. Бу кунларда яшаш шараф.

**Ўзбекистон овозини тингланг Ўзбекистондан,**
**Сиру Аму кенг бағрида яратган кенг жаҳондан**
**Шу жаҳоннинг қадрин билар кўҳна башар**
**тарихи,**
**Ипак йўлин бошлаган у илк дунёвий**
**карвондин.**
**Шу жаҳоннинг келган букун истиқлоли, ўзлиги,**
**Етти иқлим қўл узатди тенгмиз деб ҳар**
**томондан.**
**Истиқлоли буюк элнинг фарзандимиз,**
**кўз нури,**
**Энди бир саф бўлмоқдамиз, посбони**
**бир майдондан.**

**Шоирлик шарафга айланди.**

### ВА...

Китобни ёпасиз. Шеърлар. Умр сўқмоқлари.
Шоир. Тақдир. Шараф.
Назармат юрагидаги ўтли дардлар.
Бу дардлар шоирнинг ўзи айтганидек, "Ватаннинг дардини кўтарди".
Аслида келажак дардлардан туғилади.
**Шоирларинг омон бўлсин, элим!**
**Китобни ёпасиз... яна очмоқ ниятида...**

**Асқар ШОКИР.**



# АРМОН ЭДИ БУ КУНЛАР...

Иккинчи жаҳон уруши жароҳатлари битиб бораётгани сайин ўша қирғинбарот қатнашчилари сони ҳам тобора камайиб бормоқда. Улар эса бизга ғанимат. Қачонлардир келиб ўша машъум уруш шаҳидлари номидан сўзлайдиганлар ҳам топилмайди... Шукрки, ҳозирда қонли жанггоҳлардан омон қайтганлар орамизда анча кўп. Шундай экан, улар ҳурматини жойига қўйишимиз, пурмаъно ҳикматларига қулоқ тутиб, тириклик сабоқларини ўрганишимиз лозим.

Миркомил ота ҳам умрининг энг гўзал дамларини жангу жадалларда ёвга қарши курашиб ўтказди. Ўлим кўланкаларидан омон қолди. Беш йил ҳижратда юриб, она юртига қайтди. Ўша даврда урф бўлган комсомол, партия ишларида иштирок этди. Замон зайли билан илгари сурилган сиёсатдан нима мақсад — муддаолар кўзланганлиги қоронғу бўлса-да, лекин улар юртни обод қилиш, бунёд этиш, мамлакатни юксалтиришга отланган эдилар.

Кексаликка ён бермаган отахон ҳали ҳам ушбу эзгу мақсадлар йўлида ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилиб келаяпти.

1941—1945 йиллардаги фашизмга қарши уруш қатнашчиси, кекса муаллим Миркомил ота Миразизовнинг эзгу ишлари ҳақида орқаворотдан кўп бор эшитганман. Отахоннинг ўзи билан эса дилдан суҳбатлашишга орзуманд эдим. Яқинда сураткаш мухбиримиз Ҳаким ака Солиҳов билан биргаликда отахоннинг Қибрай туманидаги лимончилик жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган файзли хонадонида бўлдик. Узоқ гурунглашдик. Суҳбатимиз дастлаб уруш хотиралари ҳақида кетди.

— Уруш уруш-да, — деди Миркомил ота, — албатта, урушнинг номи ўчсину, аммо у сабабли вужудга келган асоратларни унутишнинг ҳеч иложи йўқ экан. Ўша даврларни эслар экансан, неча-неча бегуноҳ болалар ота-она меҳрига зор қақшаб қолганлигига, мўйлови энди сабза урган норғул ва алпқомат йигитлар ёр васлига тўймай, бу дунё билан видолашганига, келинлик либосини кийиб, чимилдиғи узилмай қолган лобар қиз-жувонларимизнинг сабр-бардошига, матонатига ҳам йиғлайсан. Уруш оловини ёққанларни лаънатлайсан.

— 1943 йил, — деб давом этди собиқ жангчи Миркомил ота, — бизнинг қисмларимиз Польша ҳудудига кирган пайти. Ўшанда 666 (собиқ), 26-уюшган отлиқ дивизиямиз 2-Ленинград фронти қўмондонлиги ихтиёрида бўлиб, душманни саросимага солиб, қўққисдан ҳужум уюштирар, гоҳида пиёда аскарларнинг қалқонига айланиб зарба беришга киришар эди.

Бир куни Кенигсберг шаҳри учун чунонам жанг бўлдики, немислар бу шаҳарни бермаслик мақсадида жон-жаҳдлари билан курашар эдилар. Шундай қийин бир вазиятда бизнинг қисм қўмондонлигига шаҳарни тўрт тарафдан қуршаб олиш ҳақида буйруқ берилди. Шунинг билан бирга қурол-аслаҳалар, озиқ-овқатлар ва ўқ-дорилар жойлашган омборни аниқлаб келиш ва иложи бўлса, портлатиб юбориш топшириғи ҳам юклатилганди. Бу масъулиятли жанговар топшириқни бажариш менинг зиммамга тушди. Шу куни биз Кенигсберг шаҳрини тамомила ишғол қилдик. Жанговар топшириқни муваффақиятли бажарганим туфайли "Жасурлиги учун" медали билан тақдирландим. Шу тариқа урушни давом эттирдик. Кейинчалик олинган "Қизил юлдуз", "Кенигсберг учун" "Ватан учун" ва бошқа ордену медаллар суронли йиллардаги жанговар хизматларим учун берилган.

У йилларни эсларканман, мен билан бир сафда жанг қилган Жўра Олимов, Миробид Одилов, Ҳамид Ғафуров сингари қуролдош дўстларим кўз олдимдан ўтади. Улар юрт озодлиги йўлида жон фидо қилдилар. 1946 йил охиригача заҳирадаги аскар сифатида ҳарбий хизматни давом эттиришимга тўғри келди...

Миркомил Миразизов урушдан илгари Тошкент шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатди ва қадрдон қишлоғига келиб, 1936 йилда ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Ўша йилларда шароит жуда оғир, ўқув қуроллари, синф хоналари етишмасди. Бироқ М. Миразизов бундай ўткинчи қийинчиликлардан асло чўчимади, аксинча, қунт ва сабот билан изланди, ўқувчиларга пухта билим бериш учун қайғурди.

Уруш бошланди-ю, севимли касбидан бир неча йил айри бўлди. — 1946 йили ўз билимини ошириш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих ва география факультетига сиртдан ўқишга кирди. Институтни тугатгач, яна шу илм даргоҳида толиби илмларга тарих ва география фанидан сабоқ бера бошлади. У кишининг меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси", бир қанча медаллар соҳиби ҳамда фахрий ёрлиқларга сазовор бўлган. Буларнинг барчаси Миркомил отага билдирилган эл-улус ишончи эди. Айни пайтда Миркомил ота Миразизов қўлида таҳсил олган толиби илмларнинг кўпчилиги академик, профессорлик даражасига кўтарилиб, илму-фанимиз тараққиётига хизмат қилишмоқда.

Фидойи муаллимнинг катта ўғли — Мирвосит медицина фанлари номзоди, доцент, Мирбоис — электрик, Мирвосиқ — жамоа хўжалигида ишлайди. Мирқобил — бригадир. Миркомил ота 33 та невара, 20 эваранинг севимли бобоси ҳамдир. У кишининг умр йўлдоши (раҳматли) Ҳалима ая 8 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Уларни аҳил, иноқ, меҳнатсевар бўлиб етишишларида онахоннинг хизматлари катта бўлди.

Амир Темур номидаги 25-кўп йўналишли лицей-мактаб аслида Қибрай тумани маорифининг илк қалдирғочларидан. Мазкур илм даргоҳи 1936 йилнинг бошларида ташкил этилган. Бугунги кунда бу ерда меҳнат аҳлининг 1432 нафар ўғил-қизлари таълим-тарбия олишаяпти. Уларга 115 нафар, шундан 10 нафари фан номзоди, 7 нафари эса олий тоифали ўқитувчи сабоқ беришади. Мактабга Миркомил отанинг шогирди Шукуржон Ғаниев директорлик қилади. Шукуржон Ғаниевнинг ташаббуси ва раҳбарлиги билан зиё масканида иссиқхона, тўқувчилик цехи ташкил этилди.

Аслида келажак боболарнинг буюк жасорати-ю, шонли йўлига йўғрилган бўлади. Бу муқаддас маёқни ёш авлод қалбига сингдириш — бурч.

Мактабда уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар тез-тез ўтказилиб турилади. Учрашувларга кекса муаллим Миркомил ота Миразизов ҳам ташриф буюриб, ўғил-қизларга жанг таассуротларидан тўлқинланиб гапириб беради.

— Миркомил ота ҳақида оддий ўқитувчидан тортиб, мактаб раҳбарларигача фақат илиқ гапларни гапиришади. Шу ўринда биз мактабнинг химия ўқитувчиси Назира Ғуломованинг дил сўзларини келтириб ўтишни лозим топдик.

— Мен Миркомил Миразизовни узоқ йиллардан буён биламан. У киши умрининг ҳар дақиқаси эл хизматида, ҳар сонияси халқ ташвишида ўтади. Камарбасталик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик. Миркомил ота ҳаётининг фалсафаси — шу.

Қуёш уфққа оҳиста бош қўйиб, самода минглаб ситоралар ғужғон ўйнаган бир маҳалда отахон билан хайрхўшлашдик. Қайтар эканман, хаёлимдан бир ўй кечди: "Ҳаёт шундай фидойи инсонлар билан гўзал". Келинг, уларни эъзозлайлик. Демакки, тарихимизни...

**Улуғбек ЖУМАЕВ.**
**"Маърифат"нинг мухбири.**

Суратда: Миркомил Миразизов ўқувчилар даврасида.
**Ҳ. Солиҳов олган сурат.**



Бўлажак чемпион. С. МАҲКАМОВ олган сурат.

## ТАБИИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАРДАН ЯНГИ ТУРДАГИ ДАРСЛИКЛАР УЧУН ТАНЛОВ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъатининг 1994 йил 10 ноябрь 9/3 сонли қарорига биноан олий ўқув юртлари учун давлат тилида қуйидаги фанлар бўйича замонавий дарсликлар яратиш мақсадида танлов эълон қилади:**

**1. Бозор иқтисодиёти асослари.**
**2. Иқтисодиёт назарияси.**
**3. Биотехнология.**
**4. Культурология (маданиятшунослик).**
**5. Ижтимоият (социология).**
**6. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш.**

**Танловда ғолиб деб топилган ҳар бир қўлёзма учун 15 (ўн беш) минг сўм миқдорда пул мукофоти белгиланган.**

**Танловда республика олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, тажрибали педагоглар, якка шахслар ва жамоалар ўзлари тайёрлаган қўлёзмалар билан қатнашишлари мумкин.**

**Танлов Низоми матни ҳамда қўлёзмаларга қўйиладиган талаблар билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Республика ўқув-услуб идораси (Тошкент ш,. Ниёзбек йўли, 6, 408-хона. Телефон: 340197, 340248) да танишиш мумкин.**



# САНЪАТГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Ражаб акани болалигимдан, тўғрироғи, мактабда ўқиб юрган кезларимдан биламан. Шаҳар мактаблари ўртасида ўтказиладиган "Нон ҳақида баҳс", "Қувноқлар ва зукколар", "Қадимий аллалар", "Иқбол" қизлар танлови, "Истеъдодларни излаймиз" деб номланган бир талай тадбирларга доимо бош-қош бўлган Ражаб ака ҳар бир тадбирнинг ўзига хос руҳда ўтишини таъминлашга интиларди.

Ражаб ака, таъбир жоиз бўлса, саҳнада туғилди. У кишининг отаси Шоди Авезов Ромитан тумани халқ театрининг директори бўлиб, тақдир тақозоси билан Ғиждувонга келиб қолади. Оила муҳитидаги мусиқага меҳр ёш Ражабни бефарқ қолдирмайди 12 ёшида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган болалар ва ўсмирлар қўшиқлари конкурсида қатнашиб, "Ғиждувон Робертоси" деган номни ҳамда мукофотга велосипед олади. Шуниси қизиқки, Ражаб ака яқин-яқингача ҳеч қанақанги мусиқий маълумотга эга эмас эди. "Агар салоҳият бўлса, маълумот шарт эмас", деган гап тўғрилигини шу инсон мисолида кўрганман.

Ражаб ака табиатан куюнчак, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ҳамма нарсадан устун қўювчи, нимадир қилиш, қандайдир янгилик яратиш ишқида юрадиган инсон. Адабиётни жуда севади, классикадан яхши хабардор, ғазалларни теран таҳлил қилади. Агар миллий мусиқамиз ҳақида гап кетса, мақомлару лирик қўшиқлар суворaю, катта ашулалар ҳақида соатлаб гапириши мумкин.

22 йилдан бери Акмал Икромов номидаги ўрта мактабда ёш авлодга мусиқа фанидан дарс бераётган Ражаб ака ҳақида кўп гапиришимиз мумкин. Шахсан унинг ташаббуси билан бундан 7 йил олдин мактабда "Нилуфар" болалар-фольклор этнографик дастаси вужудга келди. Ўшанда миллий байрамимиз Наврўз тикланаётган кезлар эди. 28 қиздан иборат дастанинг байрамдаги илк чиқишини маҳаллий халқ қизиқиш билан кутиб олди. "Нилуфар"та Ғиждувон тумани ҳокимияти ҳамда халқ маорифи бўлимидагилар ҳам қизиқиб қолишди. Ғиждувон шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири Аброр Орипов даста қатнашчиларини ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлади, каттаю кичик муаммоларнинг ҳал қилинишига ёрдам берди. Тез орада "Нилуфар" кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилди. 1987 йилдаёқ Тошкентда республика миқёсида ўтказилган "Ёш ижодкорлар" фестивалининг лауреати бўлди. 1989 йилда эса республика телевидениесининг "Санъат ғунчалари" кўрсатувларидан бири "Нилуфар" болалар фольклор дастасининг фаолиятига бағишланди. 1990 йилда қўшни Тожикистон республикаси телевидениеси орқали "Нилуфар" ўзининг 40 минутлик концертини намойиш этди.

Даста дастурида тожикча, ўзбекча миллий қўшиқлар, унутилаётган куй ва қўшиқ ҳамда рақслар алоҳида турларга ажратилиб, фасл, байрам ва мавсум қўшиқлари деб номланганлигини кўрамиз. Даста яқинда Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё мамлакатлари болалар фольклор-этнографик гуруҳларининг 1 фестивалида қатнашиб, лауреатлик нишонини қўлга киритди. "Нилуфар"нинг бу каби ютуқ ва муваффақиятларга эришувида Ражаб Авезовнинг хизмати катта.

**— Ражаб ака, "Нилуфар"ни қандай мақсадда ташкил этгансиз? — сўрайман у кишидан.**

— Ҳаммасига бир дўстимнинг гапи сабаб бўлган. У илмгоҳни тугатган, мусиқавий билими анча кенг, ўзи яхши фикрлайдиган бўлса-да, эстрада гуруҳи тузди. Ғарб санъати колорити билан суғорилган маъносиз қўшиқлар айта бошлашди. Унга тақлид қиладиган ёшлар ҳам кўпайди. Шунда дўстимга: "Минг йиллар ардоқланиб келаётган ўзбек қўшиқлари, болалар севиб куйлайдиган қўшиқлар, лапарлар, дуэтларга янада сайқал бериб, ёшларга ўргатиш учун билимингиз ҳам, савиянгиз ҳам етарли-ку! Нима учун бу йўлни танладингиз?" — деб савол бердим. "Оқимга қараб оқиш керак, жўра! Ҳозир эстрадага кўпроқ аҳамият беріляпти. Сиз айтган лапару гулёрлар кимга ҳам ёқади?" — деган жавобни олдим. Кейин юрагимда бир неча йиллардан бери армон бўлиб келаётган орзуимни амалга ошириш учун ўзимда иштиёқ ва куч-ғайрат сездим...

Аввал "Доира чорлайди" кўрик-конкурсини уюштирдик. Мақсад доира чалиб, қўшиқ айта оладиган йигит-қизларни аниқлаш эди. Танлов ғолибларини битта жамоага бирлаштирдик. Бу ишимизга баъзи "замонавий" ўқитувчилар "Ҳеч нима чиқмайди, бекорга овора бўлаяпсизлар", — деб кулиб қўйишарди. Репертуар масаласига келганда шаҳримизда яшаб ижод қилган Ўзбекистон халқ ҳофизи Шоди Азизовнинг ўғли Муҳаммад Шодиев ва у кишининг ҳамнафаси Муҳаммад Нусратовлардан ўрганган халқ қўшиқларидан намуналарни ўргата бошладик. Қувонарлиси шундаки, дастамиз қатнашчилари бу қўшиқларни жон деб ўргандилар. "Мавриж", "Бухоро термалари", "Қоратегинча" каби ўзига хос қўшиқлар тез орада ўқувчиларга мосланиб ўргатиб борилди...

**— Миллий мусиқамиз муаммолари ҳақида нималар дея оласиз?**

— Миллий мусиқамизни ҳеч туганмас хазин га ёки суви тугамас уммонга қиёслаш мумкин. Доиранинг шўхчан садоларида, рубобнинг маҳзуну қувноқ наволарида, найнинг нолаларида юрагингда неки бўлса, барини ифода этиш мумкин. Ток билан ишлайдиган нарсада эса дилингда борини тўколмайсан... Тўғри, эстрада яхши жанр, оҳанглари сержилва, жарангдор. Лекин мен учун барибир миллийлик ҳар жойда, ҳамиша устувор... Миллий санъатимиз 60-йилларда гуллаб-яшнаган бўлса, 80-йилларга келиб биз маданиятимизни деярли танимай қолдик. Оддий ўқувчидан тортиб, ўз касбининг устаси бўлмиш казо-казолар ҳам Европа санъати ва маданиятини ўзлаштира бошлашди. Яшириб нима ҳожат, дўппи кийган ўзбек таҳқирланди. Бу чидаб бўлмас ҳол эди... "Нилуфар"даги хизматим ёш авлод маънавиятини тиклашдаги кичик бир ҳиссам бўлди, холос...

**— Ражаб ака, Сизни нима кўпроқ қийнайди, ўйлантиради?**

— Чалакам-чатти европача оҳанглар-у, ўғирланган наволардан безган қалбларга ёқимли куй-қўшиқларимиз ором бағишлашини истайман. Классик мусиқани чуқур ўрганиш керак. Яхши устозларга таяниш керак. "Устоз кўрмаган шогирд, ҳар мақомга йўрғалар", — деган нақлни унутмаслик лозим...

Ражаб аканинг мусиқа соҳасидаги меҳнатлари муносиб тақдирланган. У 1991 йилда "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" нишонига эга бўлди. Ражаб аканинг ўзи яратган 4 та қўшиқ ҳозирги кунда ўрта мактаб мусиқа дастурига киритилган. "Куйлар" номли китоби эса Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан нашрга тавсия этилган. "Истиқлолни куйлаймиз" номли қўшиғи (шеъри ҳам, куйи ҳам ўзиники) катта муваффақият қозонди. Ҳозир бу қўшиқни шаҳардаги мактабларнинг деярли ҳамма ўқувчилари ёд билишади...

Бу тиниб-тинчимас инсонни ҳеч қачон ишсиз, бўш юрганини билмайман. Гоҳ "Нилуфар"нинг бугун қаердадир концерти борлигини айтса, гоҳ маҳаллий телевидениега режиссёрлик қилаётганлигини эшитаман. Ё жамоаси билан вилоятдаги навбатдаги танловга кетаётган, ё боғчалар ва мактаблар ўртасида "Санъат байрами" ўтказиш учун елиб-югуриб юрган бўлади. Кошки у кишига ўхшаган санъатга ошуфта кўнгил эгалари кўпайса...

**Моҳигул ЎКТАМ қизи,**
**ТошДД журналистика факультети сиртқи бўлими 6-курс толибаси.**

*А. Қодирий таваллудининг 100 йиллиги*

# КАТТА БАЙРАМ

**Ўлмас асарлар муаллифи, қатағон йиллари қурбони, севимли адибимиз Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги Республикамиз шаҳар ва қишлоқларида ҳали ҳануз кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманидаги 129-мактабда "Дилдан ўчмас, тилдан тушмас сиймо" мавзуида тантанали кеча ўтказилди.**

**Кечада "Шарқ юлдузи" журналининг масъул котиби, ёзувчи Тоҳир Малик сўзга чиқиб, ўқувчиларга адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб берди. Шунингдек, кечада таниқли шоир ва адиблар иштирок этдилар.**

**Адибнинг "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" каби бебаҳо асарлари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари, роман қаҳрамонлари — Зайнаб ва Кумуш тилидан ўқилган монологлар мактаб ўқувчилари ижросида намойиш этилди. Айниқса, ўқувчилардан Малика Ҳамидова, Саодат Самиғова, Манзура Ортиқова, Суннат Тошматов, Рамз Ҳамдамовларнинг ижролари кўпчиликка манзур бўлди.**

**"Давр" ансамблининг яккахон хонандаси, шу мактаб ўқувчиси Абдумалик Жўраев томонидан янграган "Бобожон", "Абдулла бобо" каби қўшиқлар кечага файз киритди.**

**Кечани ташкил этишда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари, адабиёт ўқитувчиси Маъмура Акромованинг хизматлари катта бўлди.**

**— Абдулла Қодирий каби ўзбек халқининг асл фарзандлари хотирасини ҳамиша дилда сақлаш ва улар қолдириб кетган меросни келажак авлодга ўз ҳолича етказиш биз, ўқитувчилар зиммасидаги катта бурч, — дейди 129-мактаб директори Содир Абдуллаев.— Бугунги кечани ҳам Абдулла Қодирий номидаги маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ўтказаётганимиз бежиз эмас. Совет даврида "Халқ душмани" сифатида таҳқирланган юзлаб ёзувчи, шоирларимиз бугунги кунга келиб оқланганлигининг ўзи ҳам биз учун катта байрам.**

**Адиба ҲАМРО қизи.**

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
*Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.*

**Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.**
**Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар.
Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Замира Тўлаганова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1294. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6